

## ТИББИЁТ ТЕРМИНЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЛУҒАТЛАР ТАВСИФИ

### DESCRIPTION OF DICTIONARIES FOR MEDICAL TERMS

### ОПИСАНИЕ СЛОВАРОВ МЕДИЦИНСКИХ ТЕРМИНОВ

*Rasulova Nilufar Abduvossiyevna - PhD*  
*SAMU халқаро тиббиёт университети*  
[nilufar\\_rasulova@inbox.ru](mailto:nilufar_rasulova@inbox.ru)

Rasulova Nilufar Abduvossiyevna. (2023). ТИББИЁТ ТЕРМИНЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЛУҒАТЛАР ТАВСИФИ. Actacam, 3(3), 279. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10398861>

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўзининг луғатга олинган терминлар кўлами ва изоҳ ҳамда таржималарнинг илмийлиги билан ажралиб турадиган бир қатор луғатлар таҳлилга тортилган.

**Калит сўзлар:** бош сўз, термин, терминография, эмбриология, ўзлашган термин, муқобил, қомусий луғат

**Annotation:** In this article, a number of dictionaries are analyzed, which are distinguished by the scope of terms included in the dictionary and the scientificity of the annotations and translations.

**Key words:** key word, term, terminography, embryology, adopted term, alternative, encyclopedic dictionary

**Аннотация:** В данной статье анализируется ряд словарей, которые отличаются объемом входящих в словарь терминов и научностью аннотаций и переводов.

**Ключевые слова:** ключевое слово, термин, терминография, эмбриология, принятый термин, альтернатива, энциклопедический словарь

Ҳар қандай тилнинг сўз бойлиги у тарихий ёки замонавий тусда бўлмасин, инсонлар томонидан тузиладиган ранг-баранг луғатларда маълум даражада аксини топади. Луғат тил сўз бойлигини ўзида сақловчи аккумулятор вазифасини бажаради. Бугун муайян тилшуносликнинг қай даражада ривожлангани, такомил топгани айти тилда яратилган луғатларнинг тури, миқдори ва сифати билан ўлчанмоқда.

Ўзбек терминологик луғатлари фан соҳаларининг деярли барчасини қамраб олган десак муболаға қилмаган бўламиз. Аниқ фан соҳалари каби ижтимоий-гуманитар фан соҳалари доирасида қўлланувчи терминларнинг

маъно-моҳиятни ифодалашга йўналтирилган луғатнавислик ишлари республика илмий-тадқиқот институтлари етакчи олимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари томонидан тузилган. Терминологик луғатларнинг аксарияти рус тилидан ўзлашган терминларнинг ўзбек тилида ифодаланишига бағишланган.

Тиббиёт соҳасининг ривожланиши унинг терминологиясининг ҳам ривожланишига сабаб бўлди ва республикада янги дарслик ва қўлланмалар қаторида турли ҳажмдаги бир, икки ва кўп тилли луғатларга тартиб берилди. Жумладан, 1933 йилда Тошкентда Нажмиддин Т.Х. исмли мутахассис томонидан «Лотинча-ўзбекча-русча нормал микроскопик анатомия терминлари сўзлиги», 1934 йили Тошкент–Самарқандда З.Рахматулин томонидан «Русча-ўзбекча эмбриология терминлари сўзлиги», иккинчи жаҳон урушидан кейин эса таниқли тиббиёт олими Ё.Тўрақулов таҳрири остида «Русча-ўзбекча медицина луғати»нинг 1-жилди 1962 йилда «Ўздавмеднашр» нашриётида, 2-жилди 1971 йилда Тошкент «Наблюдение-яшур» нашриётида нашр этилди. 1978 йили С.И.Якубова ва Ф.Ж.Тўлаганов томонидан «Русча-лотинча-ўзбекча тиббий луғат» (Русско-латинско-узбекский медицинский словарь) чоп этилди. Тошкент «Медицина» нашриётида 1982 йилда Н.Ибодов, Н.Лемпель ҳамкорлигида «Анатомиядан қисқача лотинча-русча-ўзбекча луғат» қаторида сўнгги йилларда тиббиётнинг қатор йўналишларига бағишланган луғатлар чоп этиб келинмоқда. Шунингдек, К.Ш.Бабамуратов, О.Н.Исакова томонидан 2002 йили Абу Али ибн Сино номидаги нашриётда босмадан чиққан, ўз ичига 4500 дан ортиқ сўз ва ибораларни қамраб олган «Инглизча-русча медицина луғати»ни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим [8].

Илмий изланишларимиз доирасида ўзининг луғатга олинган терминлар қўлами ва изоҳ ҳамда таржималарнинг илмийлиги билан ажралиб турадиган бир қатор луғатларни таҳлилга тортишни маъқул топдик. А.Қосимовнинг тўрт жилдли «Тиббий терминлар изоҳли луғати» том маънода ўзбек тиббий терминология ва терминографиясида фундаментал асар сифатида тан олинди. Ушбу тўрт жилдли луғатнинг ўзига хос беназир хусусиятларидан бириунга тиббиётшунос ва тилшунос олимлар иштирокида тартиб берилганлигидадир.

Луғат Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

2019 йили Ўзбекистон таъбиот академияси раиси, профессор И. Асқаров томонидан «Мумтоз сўз» нашриётида чоп этилган «Таъбиот қомуси» луғати ўзбек лексикографиясида ўзига хос бўлган янги луғат тури шаклланишига асос бўлди. 100 босма таъбиот ушбу луғат том маънода ноёб «таъбиот терминлари хазинаси» вазифасини бажариши мумкин. Луғатнинг ўзига хослиги ундаги қомусий ҳамда илмий луғат тамойилларининг уйғунлигидир. Луғатга «бош сўз» сифатида олинган ҳар бир термин даставвал ўзбек тилида, изоҳи билан берилиб, сўнг рус ҳамда лотин тилларида муқобиллари тавсия этилади. Масалан, алай (уд дарахти) алоэ (алойное дерево) – *aloe* *xybon acallochum* Lour.

Қомусий луғатнинг энг аҳамиятли томони шундаки, ундаги ҳар бир термин орқали қилинадиган муолажаларга тавсияларнинг берилганлигидир. Ушбу жиҳати орқали бу луғат қўлланма, дарслик сифатида ҳам эътироф этилиши мумкин. Масалан, алоэни қайси касалликларни даволашда фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида 22-бетдан бошлаб 34-бетга қадар атрофлича тавсиялар берилган. Биз қуйида фақат касалликларнинг номларини кўрсатиш билан чекланамиз – *бавосил, бачадондан қўп қон кетиши, бепушитлик, бод, бош оғриги, бронхит, астма, бурун касаллиги, бурундан қон оқиши, гайморит, гастрит, говмичча, ётоқ яра, гепатит, жигар касаллиги, зотилжам, грипп, қабзият, ичбуруғ, газак, йўтал, камқонлик, катаракта, кўзга оқ тушиши, кўз хиралашиши, куйиши, лат ейиши, мадорсизлик, инсульт, импотенция, тонзиллит, мушак ўсмаси, нафас қисиши, озиши, стоматит, хуснбузар* каби яна 25 дан ортиқ касалликларни даволашда қўллаш, тайёрлаш йўллари содда, равон, халқ тилида баён этилган. Баъзи ўринларда доридан қайси ҳолатларда фойдаланиш ҳақида эслатмалар берилган. Луғатда баъзибир лексикографик тамойиллар қўлланилмаган бўлса-да, ушбу луғат ўзбек тиббиёт терминлари луғатшунослигида муносиб ўрин эгаллайди ва уни илк бора ўқув-қомусий луғат сифатида эътироф этиш мумкин [1].

Кўп тилли терминологик луғатлар қаторида 2012 йили Фарғонада М.Аҳмедова томонидан чоп этилган «Ўзбекча-лотинча-русча-инглизча тиббиёт терминлари луғати»ни кўрсатишимиз мумкин [4]. Муаллиф томонидан таъкидланишича, луғат тиббиёт олий ўқув юртлари бакалаврият босқичи талабаларига тиббиётда хорижий тил фанини ўқитишда, шунингдек, тиббиёт мутахассислари ва тиббиёт олий ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳам тиббий атамалардан фойдаланишда қўшимча ўқув услубий қўлланма сифатида хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, замонавий лексикографияда ҳар бир луғатнинг кимлар учун, нима мақсадда тузилаётганлиги ҳамда олинаётган сўзликнинг «сони», «сифати» кўрсаткичлари аниқ изоҳланган бўлиши талаб этилади. Ф.Абдулхаированинг «Тиббий метафоралар изоҳли луғати» шифокорлар, тиббиётнинг турли соҳаларида илмий иш олиб бораётган изланувчилар, таржимонлар, тилшунослар, тиббиёт институтларининг талабалари ва шу соҳага қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига 2021 йили ҳавола қилинган. Ушбу луғатда шифокорларва оддий аҳоли ўртасида амалиётда кенг қўлланиб келинаётган бўлиб, у 3500 дан ортиқ тиббий метафора терминларини ўз ичига олган [6]. Шунингдек, келтирилган терминларнинг рус тилидаги таржимаси ва аксариятини келиб чиққан тилидаги маъноси берилган.

Луғатдаги метафорик терминларнинг, мавжуд бўлган ҳолларда, синонимлари ҳам келтирилган. Ушбу луғатда метафора кенг маънода олиниб, баъзи ҳолларда метафоралар билан бир қаторда қиёслаш, метонимия ва синекдоха ҳодисалари ҳам киритилган [5].

Кўп асрлик тарихга эга бўлган жаҳон луғатшунослиги ўз анъаналарини сақлаган ҳолда бошқа фанлар қаторида XX асрнинг сўнгги, XXI асрнинг дастлабки йилларида бир қатор янги йўналишларда ривожланмоқда. Одатда консерватив кўринишга эга бўлган луғатлар қаторидан турли типдаги, турли вазифаларни амалга ошириш мақсадида бир тилли, кўп тилли таржима луғатларига тартиб берилмоқда. Бу табиий ҳол, албатта, чунки тил ижтимоий ҳодиса сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этади.

Замонавий луғатшунослик, яъни назарий ва амалий лексикографиянинг шаклланишида жаҳондаги таниқли назарийчиларнинг роли катта бўлди. Айниқса, XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида лексикография тилшуносар учун қизиқиш уйғота бошлади. Ушбу ўринда олимлар Рейнхолд Вернер, Роберт Кавдрей, Томас Элиот, академик Л.В.Щерба, академик В.В.Виноградов, А.М.Бабкин, Б.А.Ларин, Л.В.Копецкий, Х.Касарес, Л.Згуста, Г.Матаре, В.Г.Гак, Ю.Н.Караулов, Л.И.Новиков, П.Н.Денисов, В.В.Морковкин, Н.Тўрақулов, Ш.Раҳматуллаев, И.В.Раҳмонов каби тилшуносларнинг ушбу соҳадаги монографик тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим [7]. Таъкидлаш лозимки, ўтган асрнинг сўнгги 20-30 йили давомида жаҳон лексикографиясининг мустақил, ўзига хос йўналишлари илмий асослаб берилди. Ушбу ўринда машҳур рус олими Ю.Н.Карауловнинг луғатшуносликдаги идеографик йўналишини илмий асослаб берганларини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир [2].

Шу ўринда рус олимлари Э.А.Коржавых, Л.В.Мошновалар тиббий терминлар, шу жумладан, фармацевтик терминларнинг аҳамияти, уларни илмий тадқиқ қилиш зарурияти ҳамда тиббиёт олий ўқув юртларида уларни сон жиҳатидан ўзлаштириш зарурияти ҳақида ёзадилар. «2000 йилда тасдиқланган 040500–фармацевтика ихтисослиги бўйича давлат таълим стандартига мувофиқ, фармацевтика университетининг рус талабаси ўқувжараёнида 33 та ўқув ва 10 дан ортиқ кўшимча, ихтиёрий терминологияни ўрганиши ва тўғри фойдалана олиши керак, илмий ва амалий билим соҳалари, агар ушбу фанларнинг ҳар бирининг илмий луғати 500 га яқин энг муҳим тушунчаларни ўз ичига олади деб фараз қилсак, (аслида кўплаб фанлар учун биз жуда кўп миқдордаги тушунчалар ҳақида гапирамиз), у ҳолда бу шартда ҳам, бўлажак мутахассис 20000 дан ортиқ тушунчаларни фаҳмлаши ва эслаб қолиши зарур» [3].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир соҳа такомили ва истиқболи унда қўлланилаётган сўзларнинг изоҳига бевосита боғлиқ. Тўғрироғи, ҳар бир жабҳанинг изоҳли луғати бўлиши шарт.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. А.Қосимовнинг тўрт жилдли «Тиббий терминлар изоҳли луғати»
2. Абдуллаева Р.М. Ўзбекистон Республикаси тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларига русча терминологияни ўқитишнинг тармоқ технологиялари: Педагогика фан.бўйича фалсафа док.(PhD) дисс. автореферати, –Т. 2021. – Б.35.
3. Абрамова Г.А. Медицинская лексика: основные свойства и тенденции развития:Дисс. ...докт. филол. наук. –Краснодар, 2003. –С.161.
4. Абдулхайрова Ф. Ўзбек тилида тиббиёт атамаларирининг метафорик манзараси: Филол.фан.бўйича фалсафа док. (PhD) дисс. –Т.,. 2021. –Б.38.
5. Тўракулов Й. Тиббий энциклопедик луғат: Энциклопедиялар бош нашриёти, – Т. 1994.
6. Усмонхўжаев А., Маҳмуд М., Тўрахонова М., Ҳамроев М. Ўзбек халқ табобати терминларининг изоҳли луғати.–Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б.430.
7. Усмонходжаев А., Тўрахонова М. Тиббий терминлар изоҳли луғати. –Т: Абу Али ибн Сино нашриёти, 2021. –Б.200.
8. Акбарходжаева Ф. Тиббиёт терминологияси мураккаб терминтизим сифатида//Филология масалалари, (32/2). –Т., 2020. –Б.114-121.